



## ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТ ПРИНЦИПЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Ф.Тахиров

Ўзбекистон республикаси Жамоат хавфсизлиги университети  
Жиной-хуқуқий фанлар кафедраси профессори ю.ф.д., проф.,  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7578694>

### ARTICLE INFO

Received: 18<sup>th</sup> January 2023

Accepted: 27<sup>th</sup> January 2023

Online: 28<sup>th</sup> January 2023

### KEY WORDS

Жиной-хуқуқий сиёсат,  
принциплар, инсон ҳуқуқлари  
кафолати устунлиги  
(инсонпарварлик);  
қонунийлик; одиллик;  
демократизм; тенглик;  
ахлоқийлик; илмийлик;  
қарорларнинг ижтимоий-  
иқтисодий  
асослантирилганлиги.

### ABSTRACT

Жиноят-хуқуқий сиёсатни шакллантириш учун унинг принциплари муҳим аҳамиятга эга. Жиноят-хуқуқий сиёсат принциплари – фундаментал ғоялар, қонунчилик асослари ва универсал қоидалар мажмуидан иборат бўлиб, жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий қонуниятларини асосларини ҳамда ахлоқий ва ҳуқуқий қарашларни ўзида акс эттиради.

Жиноят-хуқуқий сиёсатни самарали амалга ошириш ушбу соҳада пайдо бўлган етакчи ғояларни чуқур ва ҳар томонлама билишни талаб қилади.

Ҳар бир соҳа ривожланиши, ўрганилиши ва мавжуд бўлиши учун ушбу соҳани асосий ғояларини ўзида мужассамлаштирилган принциплар кетма-кетлигига асосланган, қатъий тизимга эга бўлиши талаб этилади.

Жиноят-хуқуқий сиёсатни самарали амалга ошириш ушбу соҳада пайдо бўлган етакчи ғояларни чуқур ва ҳар томонлама билишни талаб қилади. Принциплар тўғри белгилаб олиниши мақсаддан келиб чиқади ҳамда вазифаларни тўғри белгилаб олиш имконини беради. Принциплар одатда қонун ҳужжатлари билан белгиланади ҳамда шу соҳадаги барча кейинги қабул қилинадиган норматив ҳужжатлар шу принципларга мувофиқ бўлиши талаб қилинади. Принципларни тўғри белгиланиши ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни ривожлантиришга, фуқароларнинг Конституция ва қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Жиноят-хуқуқий сиёсат давлат томонидан белгиланади, шакллантирилади ва амалга оширилади. Маълумки, давлатнинг мақсади жамият олдида турган вазифаларни амалга ошириш жараёнларини бошқаришдир, ижтимоий муносабатлар тизимини соддалаштириш, уларнинг ривожланишини таъминлаш. Давлат сиёсатида моҳиятан шундай бошқарув фаолияти мавжуд. Табиийки, жиноят-хуқуқий сиёсат ҳам айнан шу мақсадларни тавсифлайди.

Шунингдек, давлат органлари жиноят-хуқуқий сиёсат соҳасидаги бошқарув фаолиятини қуйида шаклларда амалга оширади: қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш



амалиёти ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш. Л.И.Беляеванинг фикрича, ҳуқуқни муҳофаза қилиш бу қонун ижодкорлигини таркибий қисми бўлиб, уни ажратиб кўрсатиш орқали давлат бошқарув органлари фаолияти ушбу шакли ўзига хослиги, муҳимлиги ажратиб кўрсатилган[1]. Назаримизда, қонун ижодкорлиги кенг тушунча бўлиб, моддий ҳуқуқий характер касб этиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ушбу фаолият замирида ётсада, ҳуқуқни муҳофаза қилиш кўпроқ процессуал характер касб этиб, қонун ижодкорлиги жараёнини махсули бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётга жорий этилиши, уларни қўлланилиши билан боғлиқ машаққатли жараённи акс эттиради. Шу сабабли, ҳуқуқни муҳофаза қилиш давлат органлари жиноят-ҳуқуқий сиёсат соҳасидаги бошқарув фаолиятинининг мустақил шакли ҳисобланади.

Жиноят-ҳуқуқий сиёсат принциплари ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат доирасида берилмаган бўлсада, Конституциямиз ва соҳага оид қонун ҳужжатлари мазмунидан келиб чиқиб, жиноят-ҳуқуқий сиёсатнинг умумий жиҳатлари қуйидаги умумий белгиларни ўзида мужассамлаштиради:

**биринчидан**, ўзида шахс, жамият ва давлат манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишга қаратилган асосий ғояларни мужассамлаштиради;

**иккинчидан**, шахс, жамият ва давлат манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш жиноят-ҳуқуқий сиёсат тартибга соладиган фан тармоқлари (қонунчилик) мақсад ва вазифаларида ўз ифодасини топган бўлади;

**учинчидан**, улар ўзида қилмишни криминализация ва декриминализация қилишнинг умумий мезонларини ифодалайди ҳамда қонун ижодкорлигида айнан шу мезонларга риоя қилинади;

**тўртинчидан**, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафолатини ўзида акс эттүрвчи қоидалар келтирилади;

**бешинчидан**, улар ҳуқуқни қўллаш амалиётига қонунийлик: булар қилмишни тўғри малакалаш, жавобгарлик асослари, жазони ижро этиш босқичида қонунийликка қатъий риоя этиш;

**олтинчидан**, улар ваколатли давлат органларининг жиноятчиликни олдини олиш, фош этиш ва тергов қилиш билан боғлиқ фаолиятини тартибга солувчи таъсир кўрсатади;

**еттинчидан**, мазмуни Конституциявий принциплар мазмуни доирасида бўлиб, ўзида моддий ва процессуал ҳуқуқ элементларини ифодалайди.

Жиноят-ҳуқуқий сиёсат принциплари соҳани тартибга солишнинг умумий асосларини акс эттириб, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва давлат сиёсати устувор йўналишидаги ўзгаришлардан келиб чиқиб ўзгариши, айримлари бекор бўлиши ва янгиланиб бориши мумкин.

Жиноят-ҳуқуқий сиёсат устувор йўналишлари ва принциплари масалаларини миллий олимларимиздан М.Ҳ.Рустамбаев, Қ.Р.Абдурасулова, Б.Ж.Ахраров, Р.Кабулов, Р.А.Зуфаров, У.Ш.Холикулов, Ш.Ё.Абдуқодиров, Н.С.Салаев, О.М.Махкамов, Х.М.Абзалова, Х.А.Каримов, Х.Р.Очиллов, Э.О.Турғунбоев, Ғ.О.Эрматов ва Р.С.Алтиевлар томонидан ўрганилган.



Қонун ҳужжатларимиз мазмуни таҳлили натижасидан ҳамда дунёдаги ҳуқуқий сиёсат соҳасидаги умумий қонуниятларлар мазмунидан келиб чиқиб жиноят-ҳуқуқий сиёсат принциплари қуйидагилардандан иборат:

инсон ҳуқуқлари кафолати устунлиги (инсонпарварлик);  
қонунийлик;  
одиллик;  
демократизм;  
тенглик;  
ахлоқийлик;  
илмийлик;  
қарорларнинг ижтимоий-иқтисодий асослангилганлиги;  
оқилона муддат принципи.

Қуйида мазкур принциплар ҳар бирини моҳиятини таҳлил қиламиз.

Инсон ҳуқуқлари кафолати устунлиги (инсонпарварлик) принципи. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари кафолатлари мустаҳкамланган бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция (217 А (III)) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси мазмунига тўлиқ мавофиқ келади. Инсонпарварлик принципи шахс ва унинг ҳуқуқлари кафолатини таъминлашга қаратилган бўлиб, давлат ва жамият инсон ва унинг ҳуқуқларини энг олий ижтимоий қадрият сифатида жинорий тажовузлардан ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинадиган ҳар қандай ҳужжат инсон ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаши ва ҳимоя қилиши давлат сиёсати принципи даражасига кўтарилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади”, деб келтирилган. Мазкур конституциявий нормада шахс унинг ҳуқуқ ва эркинлиги кафолати қай даражада давлат томонидан ҳимояланганлиги акс эттирилган.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан қонунда белгиланган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилади. Бундан мақсад ижтимоий адолатни таъминлаш бўлиб, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши мумкин.

Жазолашдан кўзланган мақсадга Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин.

Жазо ва бошқа таъсир чораларининг шахсга нисбатан қўлланилиши негатив ва позитив услубларда кўринади: – жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди; – жиноят



содир этган шахсга нисбатан қўлланилган чора унинг янги жиноят содир этишини олдини олиши учун қўлланади.

Ушбу принцип Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (26-модда, 2-қисм) ҳамда умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, шахсга нисбатан жазо ва бошқа таъсир чораларини қўллаш билан унга жисмоний азоб бериш ёки руҳий таъсир ўтказишни мақсад қилмайди.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан жазо тайинлаш унга жисмоний азоб бериш ёки кадр-қимматини камситишни назарда тутмасдан унинг қайта тарбияланиши ва янги жиноят содир этмаслиги учун зарур ва етарли таъсир чоралари инсонпарварлик принципининг моҳиятини белгилайди.

Жиноят-ҳуқуқий сиёсатнинг инсон ҳуқуқлари кафолати устунлиги (инсонпарварлик) принципи ўз моҳиятига кўра, давлат фаолиятида инсон омилини улуғлашга ва уни олий қадрият даражага олиб чиқишга йўналтирилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

**Қонунийлик принципи.** Жиноят-ҳуқуқий сиёсатдаги қонунийлик шуни англатадики, жиноий тажовузлардан хавфсизликни таъминлаш бўйича барча тадбирлар (қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, ҳуқуқий таълим) қонунга мувофиқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 15-моддаси 1-қисмида “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади”, деб белгиланади. Конституциянинг мазкур нормаси қонунийлик принципининг конституциявий принцип эканидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизими ромон-герман ҳуқуқ тизимига мансуб бўлиб, ушбу ҳуқуқ тизимига мансуб асосий қоида қонунийлик принципи амалда бўлиши ҳисобланади. Қонунийлик принципи Жиноят кодексининг 4-моддасида, Жиноят-ижроия кодексининг 6-моддасида, Жиноят процессуал кодексининг 11-моддасида, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддаларида ва “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида келтирилган.

Қонунийлик принципининг жиноят процессуал мазмуни қуйидагича: судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи, шунингдек жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят-процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шарт.

Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

*Одиллик принципи.* Жиноят-ҳуқуқий сиёсат одилона бўлиши, давлат фаолияти адолат мезонлари доирасида олиб борилишини талаб қилади.

Одиллик сўзининг ўзаги “одил” сўзи арабча адолатли, ҳаққоний, қонунга асосланган[2] деган маъноларни англатади. Демак, одиллик ва адолат сўзи айни бир маънони англатади. Шу сабабли, одиллик ҳақида гапирилганда адолатлилик тушунилади.



Инсонпарварлик ва адолат тамойиллари акс этган Конституциямиз истиқлол шарофати билан қабул қилинган бўлса-да, аслида унинг илдизлари узоқ тарихга эга. Улуғ Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти, сиёсати ва тузуклари бугунги ҳаётимизда ҳам ўзига хос андоза вазифасини ўтайди. Негаки, давлатни оқилона ва одилона бошқариш санъати баён этилган “Темур тузуклари” бугун ҳам ўзининг чуқур мазмун-моҳияти ва долзарблигини йўқотмаган, аксинча, ҳаётий жабҳаларда маънавий мезон бўлмоқда.

Россия жуғрофий жамиятининг ҳақиқий аъзоси Д.Логофет 1913 йил Санкт-Петербургда нашр этилган “Бухоро тоғлари ва текисликлари” китобида шундай ёзган:

“Оврўпо конституция ҳақида оддий тушунчага эга бўлмаган бир даврда... Амир Темурнинг давлатида конституцион қонунлар мажмуаси — “Тузуклар” мавжуд бўлган ва амал қилган”[3].

Ҳар бир демократик давлат ўз сиёсати асосига одилликни киритиши табиий жараён ҳисобланади. Давлат адолатни таъминлаш мақсадида императив тусдаги қонун ҳужжатлари қабул қилади ва ушбу қоидаларга риоя этилишини қатъий назорат қилади. Ҳуқуқ тартибни таъминлашга йўналтирилган ҳар қандай қоидида давлат ва у ваколат берган органлар ҳамда шахслар томонидан қатъий муҳофаза қилиниб, агар бу қоидалар бузилса ёки ушбу қоидаларга риоя этилишидан ҳар қандай асосларга кўра чекиниланлиги ҳолати аниқланса, ваколатли органлар бундай ҳолатларга чек қўйилиши таъминлайди.

Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий ҳавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Мазкур қоидида одиллик принципага келтирилган жиноят ҳуқуқий таъриф ҳисобланади.

*Демократизм принципи.* Жиноят-ҳуқуқий сиёсат демократизм принципи Ўзбекистон Республикаси давлатчилиги асоси ва миллий ғояси мазмуни билан боғлиқ принцип ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида “Ўзбекистон — суверен **демократик** республика” экани, 13-моддасида эса Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши белгиланган.

Демократия сўзи грекча  $\delta\eta\mu\kappa\rho\alpha\tau\acute{\iota}\alpha$  “халқ ҳокимияти” деган маънони англатиб,  $\delta\eta\mu\omicron\varsigma$  “халқ” ва  $\kappa\rho\acute{\alpha}\tau\omicron\varsigma$  “ҳокимият” сўзларидан иборат[4].

Ўзбекистон Республикаси суверен демократик давлат бўлиб, ўз истиқболлини ижтимоий адолат ва қонунийлик асосида кўриб, ҳозирги ва келажак авлод манфаатларига хизмат қилади. Давлат ҳокимияти халқ иродасига асосланиб, бу давлат ҳокимиятига халқ вакиллари сайлашда намоён бўлади ва демократиянинг бир элементи сифатида кўринади.

Демократизм принципи жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини амалга оширишда, хусусан, жиноят содир этган шахсларни тарбиялашда жамоатчилик вакиллари жалб қилишни назарда тутаяди. Худди шу йўл билан ўтказилаётган ислохотлар давлатнинг жиноят-ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишнинг самарадорлигини таъминлайди.



Демократизм принципи жиноий жавобгарликдан озод қилинган ҳолда тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланиладиган шахсларни тарбиялашда жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоалар иштирокининг кўпгина жиҳатларини белгилаб берган жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ўзининг ифодасини топган. Қонун асосий эътиборни озодликдан маҳрум этиш муассасасидан озод қилинган шахслар ахлоқини тузатиш, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган вояга етмаганларни тарбиялашга жамоатчилик вакилларини жалб қилишга қаратади.

Қолаверса, давлат жиноят-ҳуқуқий сиёсат устувор йўналишларини белгилаш ва уларни реализация қилишда кенг жамоатчилик фикр-мулоҳазалари ва бевосита иштирокига таяниб, улардан фойдаланади.

*Тенглик принципи.* Халқ ҳокимиятнинг ягона манбаси бўлиб, бошқарувда жамоатчилик иштироки таъминланиши демократиянинг асосий белгиларидан ҳисобланади. Шунингдек, ҳар бир демократик давлатда фуқаролар ўзаро тенг ҳуқуқлилиги давлатнинг асосий қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт”, деб белгиланган.

Жиноят-ҳуқуқий сиёсатда фуқаролар тенглигини таъминлаш устувор йўналиш бўлиб ҳисобланади. Жиноят-ҳуқуқий сиёсат самарадорлигини, жамиятда адолат ва қонун устуворлигини таъминлашнинг зарурий шarti бу барча учун бир хилда ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўрнатилиши ҳамда ҳеч кимга қонун ҳужжатларида белгиланган шартларсиз имтиёз ёки преференциялар берилмаслигини таъминлашдан иборатдир.

Фуқароларнинг тенглиги уларга бир хилда ҳуқуқлар берилишида номоён бўлиб, ушбу қонун бузилиши дискриминация[5] (лотинча *discriminatio* — “фарқлаш” маъносини билдиради. Шахсга нисбатан салбий ёки ёмон муносабатда бўлиб, шахснинг бирор белгиси ёки мансублигидан келиб чиқиб маълум бир ҳуқуқлардан маҳрум қилиш тушунилади) ҳисобланади. Тенглик принципи мазмуни барчага бир хилда ўз ҳуқуқларини одил суд ва бошқа давлат органлари орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқини берилишида номоён бўлади.

Бунда барча қонун олдида бир хил мажбуриятларга эга бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар барчага бир хилда ҳуқуқ ва мажбуриятлар берувчи нормаларни бир хилда қўллади. Ушбу принцип бевосита қонунийлик принципи мазмуни билан боғлиқ бўлиб, қонун оддий фуқарога, қонун чиқарувчига, шунингдек давлат олий вакиллик органи фаолиятини бевосита бошқарувчи шахсларга бир хилда амал қилиши лозимлигини англатади[6]. Содда қилиб тушунтирганда, шахс жиноий таъқиб ва одил судлов институти билан тўқнаш келганида ўзига нисбатан асоссиз истисно қоидалар қўлланаётганини ҳис қилмаслиги лозим.

*Ахлоқийлик принципи.* Жамият ғоят мураккаб ижтимоий тузилма бўлиб, у одамлар ўртасидаги амал қиладиган ахлоқий, диний, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, мафкуравий



ва ҳоказо муносабатларнинг, тарихан таркиб топган оила, жамоа, миллат, дин, давлат, ахлоқ ва ҳоказоларнинг мажмуидир.

А.Авлоний ахлоқ тарбияси ҳақида тўхталиб, “Инсонларга энг муҳим зиёда шараф баланд даража берувчи ахлоқ тарбиясидир”[7], деб ёзган.

Маънавият таркибий қисмларидан энг муҳими – ахлоқ ва одобдир.

Ахлоқ арабчадан олинган бўлиб, кишининг табиати, муомала одоби, хатти-ҳаракат одоби деган маъноларни англатади[8].

Ахлоқ – жамият, замон, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндиси.

Жиноят-ҳуқуқий сиёсатда мақсадларни белгилаш ва уларга эришишда ахлоқ нормаларига мос келадиган воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ўзбекистон кўп миллатли давлат бўлиб, умум инсоний қадриятларга асосланган ахлоқ нормалари қонунчилигимизда ўз аксини топган. Масалан: Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш (ЖК 122-модда), Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (ЖК 123-модда) ёки Бесоқолбозлик (ЖК 120-модда) жиноятлари ахлоқ нормалари қонунчилик даражасида ифодаланиши ҳисобланади.

Жиноят-ҳуқуқий сиёсат асосий йўналишларини белгилашда ахлоқ нормаларига мутаносиблик даражасидан келиб чиқиб ёндашилиши, халқимизнинг азалий қадриятларига ҳурмат ҳамда уларни эъзозлаш намунаси ҳисобланади.

*Илмийлик принципи.* Илмийлик принципи бевосита илм билан боғлиқ бўлиб, илм (араб.) — “ўқиш, ўрганиш ҳамда ҳаётини тажриба асосида орттирилган билим ва малакалар мажмуи” маъноларини билдиради. Илмийлик тамойили мазмуни жиноят-ҳуқуқий сиёсат юритишда ҳозирги замон фан-техника тараққиёти даражасидаги илмий билимлар билан қуролланиш, айниқса соҳага оид илмий-тадқиқот усуллари билан кенг фойдаланиш тушунилади. Илмийлик жиноят-ҳуқуқий сиёсатнинг мазмунига, шунингдек уни амалга ошириш усул ва шакллари ҳам алоқадордир.

Шундай экан, жиноят-ҳуқуқий сиёсат асосини ташкил этувчи қоидалар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар илмий-назарий асослантирилган бўлиши ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан назария ўртасида ҳамкорлик, ўзаро боғлиқлик бўлишига эришилган бўлиши лозим. Жиноят-ҳуқуқий сиёсат асосларини ташкил этувчи қарорлар, қоидалар ва фарозлар илмий тадқиқотлар, ишланмалар ва доктринал ғоялар асосида асослантирилган бўлиши лозим.

Назарий билимларнинг амалиёт билан, турмуш тажрибалари билан боғлаб олиб бориш ушбу принципнинг асосий қонундаси ҳисобланади. Илмий тадқиқот ишлари жиноят-ҳуқуқий сиёсатга даҳлдор нафақат бугунги муаммоларни, балки келажакда бўлиши мумкин бўлган муаммолар ва ўзгаришларни инобатга олган ҳолда концептуал ёндашувни талаб қилади. Шу мақсадларда олимларимиз илмий тадқиқотлар олиб боради, диссертациялар ёзилади. Ушбу принцип янада самарадор бўлиши учун ваколатли давлат органлари прогнозлардан келиб чиқиб, грантлар ва тижоратлаштирилган танловлар эълон қилиб туриши мумкин.

*Жиноят-ҳуқуқий сиёсат йўналишларининг ижтимоий-иқтисодий асослантирилганлиги принципи.* Давлат фаоляти бевосита қарорлар қабул қилиш



билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Давлат сиёсати ифодаловчи муҳим ҳужжатлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шаклида қабул қилинади. Шунингдек, ҳар қандай давлат сиёсати йўналиши бўйича қабул қилинадиган қарорлар реализацияси моддий харажат талаб қилади. Қолаверса бундай ислоҳотларга жамият тайёр бўлиши лозим бўлади.

Давлатнинг жиноят-ҳуқуқий сиёсати унинг иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий, ҳарбий ва бошқа йўналишларда олиб борилаётган сиёсатлари билан ўзаро алоқадорликда, ягона мақсадга йўналтирилган, тизимли бўлиши керак. Давлат жиноят-ҳуқуқий сиёсат фаолияти умумий сиёсатнинг бир қисми бўлганлиги сабабли, унинг ривожланиши умумий тенденция доирасида бўлиши мақсадга мувофиқ. Жамият ҳали тайёр бўлмаган ёки жамият қабул қилмайдиган муносабатларни жиноят-ҳуқуқий сиёсат даражасига олиб чиқилиши мумкин эмас.

Хулоса қиладиган бўлсак, давлат бюджети параметрларида ажратилиши мумкин бўлган суммадан ортиқ харажатларни назарда тутувчи ҳамда самарадорлиги илмий асослантирилмаган, ижтимоий муносабатлар ривожига қай тарзда таъсир қилиши номаълум ёки мавҳум бўлган ислоҳотлар ўтказилиши мақсадга мувофиқ эмас. Шу сабабли, ислоҳотлар ўз самарасини бериши ўрганилган ҳамда ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан асослантирилган бўлиши лозим.

## References:

1. Уголовная политика Российской Федерации : в 2-х ч. : учебник / под ред. заслуженного юриста Рос. Федерации, д-ра юрид. наук, проф. Л. И. Беляевой. – М. : Академия управления МВД России, 2018. – Ч. 1. – 47 с.
2. Э.Бегматов ва бошқалар. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. – Т. 1996 й. 87-б.
3. Бахтиёр ҲАЙДАРОВ. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. “Адолат – куч-қудрат тимсоли” Адолат (Ижтимоий-сиёсий газета). 2017 йил. № 14.
4. Hyland J. L. Democratic Theory: The Philosophical Foundations. Manchester: Manchester Univ. Press, 1995. ISBN 978-0-7190-4517-2
5. Курт Салентин, Вильгельм Хайтмейер, Адам Августин, Глория Лотха. Discrimination (ингл.). Encyclopedia Britannica. Энциклопедия Британика. <https://www.britannica.com/topic/discrimination-society>
6. Krygier M. Rule of Law // International Encyclopedia of the Social & Behavioral Sciences / Ed. N. J. Smelser, P. V. Baltes. Oxford: Elsevier, 2001. ISBN 0-08-043076-7
7. Ватан ва миллат муқаддасдир. (тўплам) Т.: Ўқитувчи, 1996, 44 бет
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати (80 000 дан ортиқ сўз ва бирикмалар) Э.Бегматов ва бошқалар. Тошкент. 2016 йил.